

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
OLIIY VA YRTA MAHSUS TA'LIM VAZIRLIGI

MIRZO ULUG'BEK NOMIDA
ЎЗБЕКИСТОН MIILLIIY UNIVERSITETI

АЙЮБ ҒУЛОМОВ ВА ЎЗБЕК
ТИЛШУНОСЛИГИ И МАСАЛАЛАРИ

(Илмий мақолалар гўллами)

ТОШКЕНТ — 2009

25. Хайдаров Ш., Шукур Холмирзаев ҳикояларида парцелляция.....97
26. Мамадалиева Н. Хонлиқлар давридаги адабий жараённинг умумий хусусиятлари.....99
27. Раунова Л. WRm → WRm (тобе таркибли қўшма гаплар) нинг феъл функционал шакллари билан бадий матрида ифодаланиш усуллари.....104
28. Мирзакаримова З. «Ҳибату-л-хақойик»нинг айрим лексик хусусиятлари.....110
29. Oymatova N. Ona tili darslarida texnologik vositalardan foydalanish.113
30. Yo'ldosheva D. «Davlat tili haqida»gi qonun va ona tili ta'limi (yoki ertakning haqiqatiga aylanishi).....114
31. Topildiyeva F. O'quvchilarni faol bo'lsin.....121
32. Toirova G. Nutqiy mulohazaning badiiy-yozma va badiiy harakatli audio-video tasviri haqida.....125
33. Tўlanova N. Ибораларнинг индивидуал хусусиятлари.....127
34. Болибекова М. Кесимнинг таркиби хақида.....130
35. Исломов И. Лексик-семасиологик таҳлиллар лексикография кўзгусида.....133
36. Usmonova D. «Y» undoshining nutqiy variantlari.....135
37. Амонов Ш. Ҳамза чеъриятининг манбалари хусусида.....140
38. Файзуллаева Г. Бадий тасвир воситалари насрнинг халқчилигини таъминловчи омил сифатида.....142
39. Сариев Ш. Ўзбекистон кулочилик мактаблари ва уларда ишлатиладиган айрим атамаларнинг киёсий талқини.....145
40. Рахимов М. «Ҳибату-л-хақойик» – халқ мақоларига бой манба.145
41. Мирзакаримова З. Хоразмий «Мухаббатнома»сида кўмакчилар.147
42. Джумабаева Ж. О вглядах английских языковедов на миронимю.....150
43. Раҳматов М. то боғловчисининг қўлланиши ва мавқушии муносабатларига доир.....154
44. Хўжамқулов А. Ўзбек тилидаги зооморфик метафоранинг тасвир хусусиятига доир.....157
45. Абдушукурова Д. Кесимнинг ифодаланиши масаласига бир назар.....160
- Юбилейларимиз.....161

Ҳап бўлаклари масаласи анча йиллардан буён тилшунос олимларни кизиқтириб келган. Ғарб, рус ва ўзбек тилларида чоп этилган илмий асарлар, дарсликларда гап бўлақларига берилган таъриф, таснифлар жуда ўхшаш. Масалан, биргина кесимнинг таснифиши олсак ҳам, буни кўришимиз мумкин. Ўзбек тили грамматикаси, дарсликларда кесимнинг структура жихатдан икки хил: содда ва составли кесимлардан иборатлиги кайд этилади ва қуйидаги ҳамда шунга ўхшаш мисоллар берилади:

Заволда иш қайнайди. Салим ўқувчи бўлди. Опи-тўқувчи. У ишлай бошлади.¹

1966 йилда чоп этилган илмий грамматикада «Кесимнинг тузилиши» деб номланган бандда қуйидагича ёзилган: «Кесимлар бир сўз ёки бир неча сўздан ташкил топиши мумкин. Якка сўздан ифодаланган кесим асосан сўз туркумларининг биридан, бир неча сўздан иборат кесим эса бир сўз туркуми доирасидаги сўзлардан ёки сўз туркумларининг турли гуруҳларига оид сўзлардан тузилади. Шунинг учун, ифода составига кўра кесимлар тўрт гуруҳга ажратилади: 1) содда кесим, 2) составли кесим, 3) бирикми кесим, 4) қориниш кесим».² Шу китобнинг 1976 йилдаги нашрида эса «Кесим тузилиши жихатидан икки хил бўлади: содда кесим ва составли кесим» деб кайд этилади. Худди шу бўлинишлар бошқа туркий тиллар грамматикалари, рус ва инглиз тиллари грамматикаларида ҳам мавжуд.³ Масалан, инглиз тилшунослари ҳам тузилиши жихатдан кесимни, юқоридаги каби, содда ва составли деб иккига бўлиб ўрганишни тавсия этадилар.

Шўро даврида ўзбек умуман, туркий тилшунослик, рус тили орқали ғарб тилшунослитидан ўзлаштирилган формал тилшунослик тамойиллари асосида иш кўрди. Муस्ताқиллик даврида эса шарқшунос олим Х.Ғ.Неъматов бошчилигида бир гуруҳ ўзбек тилшунослари Президентимиз И.Каримовнинг «Янги уй қурмай туриб, эскисини бузман» тапани эсда тутиб, ўзбек формал тилшунослитига асосланган ҳолда ўзбек формал-функционал ёки субстанциал тилшунослитини яратишга киришдилар ва яратдилар ҳам. Мана шу тилшунослик назариясида кесимга содда гапнинг маркази сифатида қаралади.⁴ Кесим содда гапнинг маркази ва энг кичик қолипи деб олинар экан, [W] ва [Pm] қисмларнинг хусусиятлари ўрганилиши тавсия этилади. Ўзбек субстанциал

¹ Иванова И.П. и др. Теоретическая грамматика современного английского языка. - М., 1981.

² Хозирги Ўзбек адабий тили. II Синтаксис - Т. 1966; Ўзбек тили грамматикаси. II том. Синтаксис. - Т. 1976; Гуломов А. Хозирги ўзбек адабий тили. - Т. 1987.

³ Хозирги Ўзбек адабий тили. II Синтаксис - Т. 1966. 77-б.

⁴ Иванова И.П. и др. Теоретическая грамматика современного английского языка. - М. 1981.

бўлмай, умумлашма маъно сифатида тавдаланади. Иборалар икки ёки учдан ортик компонентга эга бўлса-да, улар битта семантик бирликни билдиради. Шу хусусият ибораларнинг олдий сўз бирикмалари каторидан чиқариб, лексик системаларнинг алоҳида бирлиги деб қарашга асос бўлади.

Иборалар семантик тараққиёт асосида вужудга келиб, ҳар бир тилда бир бутун ҳолда сақланиб қолади ва шу ҳолда ишлатилади. Улар кўпинча полимитив маънога эга бўлмай, экспрессив, кўча маънода қўлланиб, бадий тасвир воситасида эмоционаллик хусусиятига эга. Шу сабабли иборалар инсонларнинг фақат онгига эмас, балки ҳис-туйғуларига ҳам қатта таъсир кўрсатади. Ибораларнинг айнан шу хислати уларнинг шеъриятда кўп қўлланишига асос бўлади.

«Шеърият хислар таранглигидир», - деган эди буюк шоир Данте. Бу тарангликни, шубҳасиз, ижодкорлар «қанотли иборалар» деб атайдилар. Иборалардан қай даражада яхши, ўринли фойдаланиш шоир маҳорати, тилнинг ички имкониятларини чуқур билиш билан боғлиқдир, яъни моҳир сўловчининг мунтазам маҳорати билан ҳар сўз, ҳар бир ибора айрича оҳанг ва камров касб этади, сўзнинг, иборанинг ифода ва рамзий имкониятлари бадият қонуниятларига уйғун равишда кенгайтилади. Мисол тариқасида ушбу шеърни кўриб чиқамиз:

*Қарахтман то саҳар
тун бўйи тинмай...*

Қалбимга уқтирар

ақл ўз сўзин:

«Диллар йўлдан чиқар бир ҳаёл билан,

Эрлар йўлдан чиқар бир аёл билан.

Кўйил дам урмағил тақдиру-гайбдан,

Тиллар йўлдан чиқар бир савол билан».

Охири тўртликда қўлланган йўлдан чиқмоқ (ёмон йўлга қирмоқ, айнимоқ) ибораси шоир томонидан янгича талқин қилиниб, унга алоҳида урғу берилган. Иборанинг эмоционаллиги, фикрни аниқ ифодалай олиши, унинг стилистик воситалардан бири бўлган синтактик параллелизмга ҳамда такрорга асос бўлишига сабабчидир. Агар шоир «йўлдан чиқмоқ» иборасининг ўрнига «ёмон йўлга қирмоқ», «айнимоқ» каби синонимларни ишлатганда шеърнинг хозирги таъсирчанлиги йўқолган бўлар эди.

Тўрт қатор шеърнинг уч қаторида (1, 2, 4 қаторлар) кўрилаётган ибора қайта-қайта, лекин ҳар гал янги сўзлар билан янги маънода қўлланади. Шунга айтиб ўтиш керакки, бу ибора нафақат бу тўртлик, балки бутун шеър руҳига сингиб кетган. Бундай ҳолат Аъзам Ўктам қаламига ҳос деб ҳақил айтиш мумкин. Ўйлаймизки, Аъзам Ўктам шеърларининг хусусиятлари хозирги ўзбек поэзиясидаги жараёнларни тўлақонли аниқ эттиради.